

525 йил

ҒАФУР ҒУЛОМ  
НОМИДАГИ  
БАДИИИ  
АДАБИЕТ  
НАШРИЕТИ  
ТОШКЕНТ 1968

Алишер

НАВОИ



ҳикматлар

**Тўпловчи ва сўзбоши муаллифи**  
**СОЛИҲ МУТАЛЛИБОВ**

**Навойи Алишер**

**Ҳикматлар. Тўпловчи ва сўзбоши муаллифи**  
**С. Муталлибов. Т., Ғафур Ғулом номидаги**  
**бадний адабиёт нашриёти, 1968.**

**88 бет. Тиражи 10 000.**

**Навои А. «Афоризми».**

**Индекс 7—4—3**

## БИР НЕЧА СЎЗ

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий XV асрда яшаб ижод этди. У даврда феодал тузум жамият ҳаётига таҳлика солган эди. Саройда фисқу фужур авж олган, мамлакатда жабру зулм ҳукмрон, инсон ҳуқуқи поймол қилинган эди. Бу ҳол инсонпарвар Навоийни қаттиқ изтиробга солди. Навоийнинг ўз сўзи билан айтганда, халққа етган жабру зулм учун у қаттиқроқ алам тортар эди:

Тиғи бедоди агар кўнглумни ноқор айлади.  
Элга урғон тиғич беҳад кўнглума қор айлади.

Юз жафо қилса менга бир қатла фарёд  
айламан  
Элга қилса бир жафо юз қатла фарёд  
айларам.

Шунинг учун ҳам донишманд устод ўз асарларида бу камчиликларни фош қилишга, бу бузуқликларнинг бош омиллари — шоҳ ва амалдорларга қарши курашишга, одамларга тўғри

йўлни кўрсатиш масалаларига катта эътибор берди, буни ўзининг бурчи деб ҳисоблади ва барча асарларида ана шу гоёни илгари сурди.

Навойи шоҳлар хатти-ҳаракатини тасвирлар экан, шундай хулоса чиқарди:

Зулм анинг кўнглига марғуб, фисқ анинг кўнглига маҳбуб. На мамлакат хароблиги кўнглини тинчсизлантиради-ю, на халқ аламлари ташвишга солади...

Навойи шоҳ фаолиятига яқун ясади:

Зулмунг эрур кундузу фисқинг кеча  
Зулм ила фисқинг неча бўлғой неча!

Шоҳнинг иши иккита: кундузлари зулму кечалари фисқдан иборат, холос.

Навойи шоҳ ишларига халқ баҳосини ифода-лаб берди:

Не ишким шаҳ топиб андин Навойи,  
Вале юз қатла ор этгай гадойи.

Навойи шоҳ идорасининг бузуқликларини фош қилди:

Агар пафъдин бўлса маҳзан йироқ,  
Анинг лаълидин хора кўп яхшироқ.

Халққа фойдаси тегмайдиган дурру жаво-ҳирлар хазинасидан қора тош яхши. (Бу ерда

хазина шоҳнинг хос мулки ҳисобланиши, ундан халқ вәтнѐжигга фойдаланимоқ истаган Навоийга ҳужум қилганини эслатилади.)

Навоий қозн ва муфтилар ишларини кузатиб шундай баҳо берди:

Ноҳақ учун ѐзиб узун можаро,  
Уз юзидек сафҳани айлаб қаро.

Навоий шайхлар кирдикорларини сирикликлар  
ўрганди ва қуйидагича ҳукми чиқарди:

Бу эл эрур барча ѐмондин ѐмон,  
Кимки йўқ андин ѐмон андин ѐмон.

Навоий порахўр сарой котибларини қарғади:

Ранятга қилса қаламзан ситам,  
Қаламзанни илгини қилсун қалам.

Навоий халққа жабр қилувчи барча қора  
гуруҳ олимларга ажал тилади:

Неча бу ниш бу мазлумларга санчилгай,  
Умид улки бошлари ажал тоши била ѐнчилгай.

Бу хил ўткир танқидлари учун Навоий  
катта қаршилик ва қийинчиликларга дуч келар,  
минг-минг аламларга дучор бўлар эди:

Ғар Навоийга стар минг саъб ҳол андин  
дурур.

Ким хабарсиаларни ҳолидин хабардор  
айлагай.

Лекин унга етган қаршилик ва аламлар уни бу ҳаққоний ишдан тўхтата олмади. Аксинча, у ўз ишини, танқидларни яна ҳам кучайтирди. Чунки бу ишларни қилиш Навоий назарида вожиб, яъни қилиниши варур бурч эди, чекиниш — кечириб бўлмайдиган хато эди. Бу мақсадни Навоий қуйидагича ифода қилган: «Аларни бу ҳолатдин огоҳ қилмоқ вожиб кўриндиким, ҳар тоифа хислатларидин воқиф ва ҳар тоифа аҳволидин хабардор бўлғайлар...»

Мана шунинг учун ҳам Навоий асарларида сарой бузуқликларини фош қилувчи сатрлар ўзинга хос ўрин олди, улар жабрланган меҳнаткаш омма орасида қимматбаҳо ҳикматлар сифатида оғизларда дoston бўлди.

\* \* \*

Навоий кишилардаги ахлоқий нуқсонлар ва кишиларнинг бир-бирларига бўлган муносабатларидаги камчиликларни йўқотишга катта эътибор берди.

Навоий пазарида ҳақиқий писон одамлар қайгусидан азобланади, ёқавайронларни кўрганда, кўксини чок қилади:

Бўлуб андуҳ ғамидин кўнгли ғамшок,  
Ёқа чокин кўруб кўксин қилиб чок.

Навой одамларга меҳрибон бўлиш, яхши-  
лик қилишга ундади:

Неким элнинг салоҳидур ани қил!  
Менинг будур салоҳим эмди сен бил!

Менинг маслаҳатим шукн, ҳар доим одам-  
ларга яхшилик қил, фойда етказиш мақсади  
билангина яша.

Навой қарашида, одамларга етган алам-  
ларни ўзига сингдириш билангина киши ҳаёт-  
да яхши натижаларга эришиши мумкин эди:

Эл ғуссасин сингдурмагин мақсуд эт,  
Бу шева била оқибатнинг маҳмуд эт!

Навой халқ ғамига бепарво қаровчилар-  
ни одам ҳисоблама, деб таълим берди:

Одами эрсанг демагил одамий,  
Оники йўқ халқ ғамидин ғами.

Навой одамларни дўстликка, меҳрибонлик-  
ка даъват этди:

Даврон элининг жисмида ҳам бўлғил,  
Ҳам жонларига мойи даврон бўлғил.

Кўнгли киши хушлугидин хуш керак,  
Нохуш агар бўлса мушавваш керак.  
Нафинг агар халққа бешак дурур,  
Балки бу нафъ ўзунга кўпрак дурур.

Навой, инсон қадру қимматини белгилловчи  
ла муваффақиятлар гарави — меҳнат деб, таъ-  
лим берди:

Меҳнат ародур кушод топмоқ билгил!  
Раиж ичрадурур мурод топмоқ билгил!

Меҳнат аро ҳар кимки таҳаммул йўқ анга.  
Тарвижга мутлақо тахайюл йўқ анга.

(Меҳнатга бўйин ёр бермайдиган кимсалар  
ўз ишларида муваффақият қозонишни жаёлга  
ҳам келтирмасинлар).

Ки ҳар ранждин сўнг етар роҳати,  
Таабсиз муяссар эмас ишрати.  
Нахлга деҳқон чу берур парвариш,  
Бўлур анга мева у гул бермак иш.

Навой илм ҳамма масалаларни ҳал қилувчи  
восита деб таълим берди:

Улум ичра менга то бўлди маджал,  
Топилмас мушкили мен қилмаган ҳал.

Шунинг учун у илм олишга ундади:

Иигитликда йиғ илмнинг маҳзани,  
Қариллик чоғи харж қилғил ани.

Навой илм олишга интилишининг фойдаси  
унга амал қилишда, леб кўрсатди:

Илм Навой сенга мақсуд бил,  
Энди ки илм ўлди амал айлагил!

Айниқса, Навой ҳикмат илмини ўрганишга  
юқори баҳо берди, ким у давр эътиқоди  
учун бу нидо, катта жасорат ва инқилоб эди:

Агар ҳикматга бўлса илтифотинг,  
Ки бўлсун Нуҳ умрича ҳаётинг.

Навой очкўзлик, дунёпарастликни қоралади:

Биров ким бўлур бир оёқ ош учун қул,  
Юзига керакдур қозоннинг қароси.

Кўп олтун кумуш сори қўл солмағил,  
Ки тутсанг кафингни қаро занг этар.

Навой қарашида очкўзлик, текинхўрлик,  
дунёпарастлик каби жирканч иллатларнинг бош  
омили нафсга берилиш, нафсга алданиш эди.  
У нафс овсраларини қаттиқ қоралади:

Нафсинг учун мунча дағо боғлиқ  
Рўзинг учун мунча фусун созлиқ.

Бўлса булар бирла барумандлиқ,  
Етгай алар нафсига хурсандлиқ.

Нафс амрида ҳар неча ким толпинғасен,  
Кўп гарчи бутунлиқ тиласанг синғасен.

Беша шерин гар забун втсанг шужоатдин эмас,  
Нафс итин қилсанг забун оламда йўқ сендек  
шужо ь.

(Тўқайлардаги ваҳший шерларни енгган мард  
эмас, дунёда тенги йўқ мард — нафс итини  
енгганлардир).

Навой сўзга жуда юқори баҳо берди:

Кимки сўз васфига мубассирдур,  
Тил анинг олида муқассирдур.

(Сўзни тавсифлайман деган киши овора бўла-  
ди, сўзни таърифлаш учун тил — ожиз, нўноқ  
бўлиб қолади).

Навой қарашида сўз, кишининг кимлигини  
аниқлаш учун энг асосий ўлчов эди:

Кимники билай десанг, мақолин англа,  
Аслини бялай десанг, фиолин англа.

Сўзчи ҳолин боқма, боқ сўз ҳолини  
Кўрма ким дер, они кўргилким, не дср.

Навойи наздида сўз энг кучли қурол:

Ҳам сўз ила влга ўлумдин нажот,  
Ҳам сўз ила топиб ўлук тан ҳаёт,  
Ганж бериб бўлмас экан тутса кўз,  
Улча қилур вақтида бир яхши сўз.

Шунинг учун Навойи сўзга вҳтиёт бўлишга  
ундади:

Тил илдамидин бўлур маломат ҳосил  
Юз навъ маломату надомат ҳосил.

Уйлаб гапириш зарур, бўлмаса пушаймонлик  
етади:

Кўрмак аввал демакда осонлиқ,  
Ки врур сўнгги бас пушаймонлиқ.

Ширин сўзга даъват этди:

Паё пай чучук сўз чу пайгом ўлур,  
Анингдек хашан жонвор ром ўлур.

Зараркунандаликни қоралади:

Пашшаки эл бўйинга бўлди мухил.  
Бўлди тапонча била ўқ музмақил.

Халойиққа кўрма қилиб бенаво,  
Ўзингга раво кўрмагани раво.

Улки зарар шевасини тавр этар,  
Элга демаким ўвигга жавр этар.

Не феълки келди бировдин ёмон,  
Ёмонлиқ кўрардин анга йўқ омон.

Неким бўлса музир бўлғил ҳиросон,  
Ки бўлғай таъбинга мушкиллар осон.

Навсий лаврида карам (шафқат), чин  
(ростлик) унутилган эди.

Навой карамни кўкатчилар дўконида топа-  
сану, чин сўзини пешанатириш маъносида уч-  
ратасан, холос, деб қайгурди ва ўз асарларида  
бу ҳақда таълимий парчалар ёзди:

Олам элига ҳаёт эрур тузлукдин,  
Етмак гаразига бот эрур тузлукдин.

Сарвким ул тўғри чекиб қоматин,  
Кўрмади осибди замон офатин.

Қилди булут ашки била дур нисор,  
Бўлди чоқин кулгусидин хоксор.

Навойи музикага — жон озун, яъни руҳ у билангина тирик деб юқори баҳо берди: Бу — музикачиларни ҳаром деб вайсагувчиларга қарши отилган ўқ эди:

Нафс ўйлаки касб этти гизо бирла сабот,  
Руҳ айлади жонфизо гино бирла сабот.

Навойи ёмон улфатлардан қочишга, ундан кўра ёлғизликда, қийинчиликда кун кечириш яхшироқ, деб таълим берди:

Жаҳл аҳли бирла кимгаки, улфат бўлгай,  
Ул улфати ичра юз минг офат бўлгай.

Бекаслигу дард кўйида гард ўлмоқ,  
Хушроқ ки ёмон била ҳам овард ўлмоқ.

Навойи ҳаётни энг улур хислат деб баҳолади:

Авжи шараф уэра офтоб ўлди ҳаё,  
Бўстони саодатқа саҳоб ўлди ҳаё.

У даврда одамга баҳо бериш қандай наслу насабдан эканига қараб ўлчанар, оғзи қийшиқ бўлса ҳам бойни ўгли гапирсин, деган қараш ҳукмрон эди. Навойи бу бузуқ қарашни жуда зарарли ҳисоблади:

Элга шараф келмади жоҳу насаб,  
Лек шараф келди ҳаёу адаб.

Навой юзаки зебларга мубтало қалби  
қашшоқларни қоралади:

Одам ўлган зебя зоҳирдан демас,  
Кимки андин фахр этар инсон эмас.

Навой назарида хушомадгўйлар энг қабих  
кўз бўямачи ва тубан одамлар эди. Уларни қат-  
тиқ қоралади:

Кимки махлуқ ҳимматига камар  
Чуст этар яхшироқ ушалса бели.

Қўл қовуштургуча бу авлодур,  
Ким аннинг чиқса эли, синса бели.

Чу хушомад демакни бошласа кош,  
Ким тутулса дами, кесилса тили.

Навой дунёда нам, меҳнат яхши хулқ  
билан яхши ном қолдиришга даъват этди:

Қила олгонча ул бўлсун ширинг,  
Ки яхши от қолғой ёдгоринг.

Навой кишиларни ишда саботчилик, мард-  
ликка ундади:

Икки қадам ёнғуча етгач алам,  
Саъй қилу илгари қўйғил қадам.  
Ишга неча саъблиғ имкон әрур,  
Ким ани осон тутар осон әрур.

Навойй таъмага, текинхўрлик, аўравон-  
ликка қарши, ҳалол меҳнатга даъват этди:

Бир дирам олмоқ чекибон даст ранж,  
Яхшироқ андин ки биров берса ганж.

Экса биров тухм, қилиб элга зўр,  
Тухмини торож қилур хайли мўр.

Навойй асарларида турмушнинг ҳар томонига доир ҳикматлар жуда кўп. Китобхонлар уларни тўпламдан ўқийдилар.

Навойй асарлари ҳаётий ҳодисалар заминиде ва турмушнинг аччиқ-чучук тажрибаларининг натижалари сифатида юзага келди. Шунинг учун ҳам улар меҳнаткаш омма қалбидан кенг жой олди, оғизлардан оғизларга кўчиб, қалрланди. Шу билан бирга, бу асарлар ўз даврида меҳнаткашлар онгида салтанат сирларини очувчи машъал ва салтанатга қарши исён туйғуларини кўзгатувчи қимматбаҳо манба бўлиб ҳам хизмат қилди.

Навойй асарларининг асарлар оша бизга етиб келиши, ҳозир ҳам барала янграшининг

сири ҳам улар ҳаётини тажрибалардан юзага келган ҳикматлар мажмуаси эканидир.

Навой ҳикматлари биринчи марта 1941 йилда нашр қилинди. Навой ҳикматларини унинг асарларидан танлаб олиб, жам қилишда А. Азизов, А. Муталлибов, Э. Холматов, М. Исҳоқов, С. Иброҳимов, С. Мирзаев, С. Муталлибовлар иштирок этган эдилар. Бу нашрда ҳам у асос бўлди.

**С. МУТАЛЛИБОВ**

# А

Агар арпа ҳам сочса бўлмоққа тўқ,  
Анга бугдой ўрмоқни имкони йўқ.

Агар берса ўз жайби ичра маҳал,  
Узи қатлигадур таноби ажал.

Агар дирам бида бўлса зарарни қайтармоқ,  
Хато дурур киши, ула ишда айламак таътил.

Агар золимга йўқдир шохдин бок,  
Эрур ула хушдилау, мазлум гамнок.

Агар кимсадин воҳир ўлса ёмон,  
Кўрар ҳарнеким, воҳир этди ҳамон.

Агар нафъдин бўлса маҳзан йироқ,  
Анинг лаълидин хора кўп яхшироқ.

Агар отинг йўқтур, арпа гамин эмассан.

Агар тилин осрамоқ кўнгила меҳнатдур,  
Аимо сўзин сўйламоқ бошга офатдур.

Агар тузавк ўлса кишининг иши,  
Не васф айлай олгай ишини киши.

Агар яхшилик кимга афъолдур,  
Жазоси аниг ганжи иқболдур.

Агар қилмади эл ҳимоят санга,  
Узингдин керакдир шикоят санга.

Агар қўй бўри хайли помолдур,  
Яқин билки, чўбонга ит холидур.

Анжи шараф узара офтоб ўлди ҳаё,  
Бўстонп саодатқа саҳоб ўлди ҳаё.

Агар ҳикматга бўлса ялтифотинг,  
Ки бўлсун Нуҳ умрича ҳаётинг.

Адолат қилурнинг тоғиб ҳолатин,  
Фузун қилсун элга адув олатин.

Айлар ишингга чу бўлур дастрас,  
Вақтинди ўткарма ани бир нафас.

Айлама ўз раъйингга кўп эътиқод,  
Муътамад эл раъйиндин яста кушод.

Айтур сўзини айт, айтмас сўздин қайт.

Андоқ қариким, йўқ анда ойини хирад.  
Ул ёш ортуқки, топди талқини хирад.

Андянки нафс комидур, нафсоният мақомидур.

Ани англа муфлисски, йўқ ҳиммати,  
Чу йўқ ҳиммати, йўқ анинг ҳурмати.

Англагил аҳбоб қадрияким, алар бўлмаё ненаф,  
Гар сенга афлок авжя узра тахти жоҳдур.

Арсада шатранжини улким тўкар,  
Неча ёғоч порчасидурким, ўкар.

Атласу зарбофт аро нодон анингдек маҳв эрур,  
Ким хатон сафҳада сабт ўлди афшонлар аро.

Ато ҳам турфа ишдур, турфароқ ул —  
Агар йўқдир анинг ёнида миннат.

Аёлу ватаи узра то жони бор,  
Киши ҳарб этар токи имкони бор.

## Б

Барқия кулгу йиқибон тоғ аро,  
Балки қилиб ер қуйи туфроғ аро.

Базл, ҳайвонвашлар илғиди агар истар кўнгул,  
Ўйладурқияи, орзу қилгай бугу шохда гул.

Бок йўқ ар кечроқ ўлул қатл иши,  
Улса, сўзинг бирла тирилмас киши.

Боқмаса деҳқон чамақияи туну кун,  
Нахл тарин онгла қуругон ўтун.

Барча лаззатни татдим, офиятдин чучукроқ  
шарбат тошмадин.

Бармоқ учя бирла чу чиқмас тикан,  
Игна билан қутулур ондин бадан.

Ботилки чақилса барқи тобою аниг,  
Кўзни юмуб очқунча йўқ имкони аниг.

Бегонани уй сари ёвутма,  
Ўрнигки қизиқдурул, совутма

Бегунадро сохтаи озурда аз тиги забон,  
Нотавон кардан рағи бераиҷра аз ништараст.\*

Бемор муштаҳяга саломат нишонидур,  
Чук тан дуруст муштаҳи эрмас, эиёнидур.

Баҳр ичраки тушса бенавойи,  
Чикғой агар урса дасту пойи.

Бергали олмоқ яшидан бўл йироқ.  
Бермак учун олмаганинг яхшироқ.

Бермакида маръи эрур эътидол,  
Лек эмас мавқинда базли мол.

Бермас татвил чу сухандон сўзга,  
Қил мухтасар улча бўлгай имкон сўзга.

Беша шерия, гар забун қилсанг шужоватдин эмас,  
Нафс итни қилсанг забун, оламда йўқ сендек  
шужовъ.

Бийяклик келди ҳимматдин няшона,  
Ки ҳимматсизни паст этди замона.

---

\* Гуноҳсиз кишини тил тиги билан ранжитиш — соғ кишини ништар уриб яралаш билан тенгдир.

Бировки, дайр сари зоҳир айлади иҳлос,  
Бурунги нафъи буқим, хонақаҳ!днн ўлди холос.

Бекаслику дард кўйнда гард ўлмоқ,  
Хушроқки ёмон била ҳам овард ўлмоқ.

Бировгаким, бировдин етди офот,  
Ҳамоноким қаттигроқдур мукофот.

Биравки, тамаъ рияшта қилгуси,  
Унинг бирла бўғандян осилгуси.

Биравким, анга ҳиммат ўлди баланд,  
Эрур одам аҳли аро аржуманд.

Биравким, бўлур бир оёқ ош учун қул,  
Юзига керакдур қозонинг қароси.

Бир-бири бирла бўлишкб ўйла дўст,  
Ким киши, гар кўрса, дегай мағзу пўст.

Бир дегани ики демак хўп эмас,  
Сўз чу такрор топди дилкаш эмас.

Бир дирамким, қалб бўлгай, арзимассен, в  
кўнгни,  
Ҳар неча меҳру вафо боворида ўзингнн сот.

Бир дирам олимоқ чеклбон даст ранж,  
Яхшироқ андинки, биров берса ганж.

Бир эрур макрамати волидайн,  
Билки, муниг қилмогидур фаран айн.

Бир сўз этиб шунча балиятни даф,  
Ким сочибон ганж, етишмай бу наф.

Бир шажару, юз гул ила шеваси,  
Турфаки, юз навъ бўлиб меваси.

Бирта ўтмакни икки бўлиб ярини бир очга  
бергани сахи де,

Бир хати гар эгри тушар бир нуқат,  
Нусхада ҳар сафхададур эгри хат.

Бўлма мадул ўлса кенгашда талаш,  
Усру узун доғи керакмас кенгаш.

Бўлмас адабсиз кишилар аржуманд,  
Паст этар ул хайли чархи баланд.

Бўлса илик эгрилик ичра самар,  
Эл ани кесмакда туз етгай магар.

Бўлса керак фикр ила шохи замон,  
Яхшига яхшию, ёмонга ёмон.

Бу гулшан ичра йўқдир бақо гулига сабот,  
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик билла от.

Бу хил одам эмаслар яхши боқсанг,  
Эрур судинг алардин гар йироқсен.

Бўлуб авдуҳ гамидян кўнгли гампок,  
Яқо чокин кўруб кўксин қилиб чок.

Буким, эрур сақфга хомил сутун,  
Бўлмаса сақф, ул ҳам эрур сар ингун.

Бурунги йиллар ошлиқни яхши асрангим,  
Сўнги йилларда ярагай.

Бу дамни ориф эсанг яхши тутки, жоҳил иши —  
Етишмаганга-ю ўтганга қилу қол ўлгай.

Бўригаки, қўй бўғмоғи пешадур,  
Шабон меҳнатидин не андишадур?

# **В**

**Вале ҳар киши бўлса ақли уқул,  
'Гааммулсиз иш ақли өтмас қабул.**

**Варду шажар тоҳид эрур соғ аро,  
Лек ўтин силкидадур тоғ аро.**

# Г

Гарчи анга шафқат эрур судманд,  
Еткурур ифротн валекин газанд.

Гарчи тавакулсиз эрур азм сусти,  
Машваратсиз қилма таваккул дурусти.

Гарчи қўёшдин парвариш олам юзига ом эрур,  
Саҳрода қомгогу тикап, бўстонда сарву гул  
битар.

Гар зумурраддин ўлса, кўр афъи,  
Ҳам зумуррад қилур алинг дафъи.

Гар иш гайри маъқилда маъжуд эрур,  
Киши ҳарнакин қилди, мардуд эрур.

Ганж бериб бўлмас экан тутга кўз,  
Улча қилур, вақтда бир яхши сўз.

Гавҳару дурин қулоқ озори бил,  
Сўзини қулоқнинг дури шаҳвори бил.

Гулга саҳар вақти берур жилава бор,  
Кечга етушсанг, терар ўглои ушог.

Гуруҳики, ҳар йил олурсен хироҷ,  
Сотибсен аларга бирор эски тож.

# Д

Дамингднн йироқ тутмагнл хушни,  
Ки юзланмагай ҳар дам офат сенга.

Даврон влнннг жисмида ҳам жон бўлгнл,  
Ҳам жонларига мойн дармон бўлгнл.

Десагки, тоаним вое бўлмагай, едур.  
Ва тиласангки, либосим эскирмагай кийдур.

Десаг топай вл замиридни бори хабар,  
Сирридни вруп таври намудори хабар.

Дониш тилаю ҳар сори ким кетгайсен,  
Ҳифз айламасаг варақ йигиб неткайсен.

Донаву дур сўзини афсона бил,  
Сўзини жаҳон баҳрида дурдона бил.

Десаг ки тоймагой ул ерда гоминг,  
Сапоглиқ гом ила бўлсун хироминг.



## Е

Елгон демакда тажриба аввалги субҳ бас,  
Елгон нафас чу урди, қорорди ҳам ул нафас,

Емон била яхши оросида фарқдир,  
Икки кеманинг учин тутган фарқдир.

Емонларга лутфу карам, яхшиларга мужиб  
зарар ва аламдур.

Емонларга шнор ва яхшиларга андин ордур.

Елр аяга суфраки, ул оч эмас,  
Берур аяга тўнки, яланғоч эмас.

Егиндин гар булут етқурмаса суд,  
Ҳавода ул ҳамону бир қалин дуд,

Ерки тегар бирова. озори анинг,  
Ақл ояда тенгдурур йўқу боря анинг.

Ешурун қолмас ўгурлик уй ароким бўлса ёш.

## Ж

Жаҳон илмики букув менга ёд эрур,  
Анга борча жаҳл аҳли устод эрур.

Жаҳон аҳлига чун пиор ўлди жаҳл,  
Эрур борчанинг аксини тутган аҳл.

Жаҳл аҳли била кимгаки улфат бўлгай,  
Ул улфати ичра, юз минг офат бўлгай.

Жоҳу мол аҳлида йўқ меҳру вафо,  
Бас, менга меҳру вафо мол ила жоҳ.

Жунуним манъ қиҳдинг ул пари ишқида, э  
носиз,  
Киши девона бўлса яхшироқ юз қатла ким  
аблаҳ.

## З

Заъф ичра табиат ӱрса мушфиқ,  
Беҳроқки, туман табиби ҳозиқ.

Зердастларга наф еткур, агар тиласангким  
Забардастлардин зарар кўрмагайсан.

Заб ила турфа ҳаргиз ўлмас уй,  
Бўлмаса анда турфа кадбону.

Зарари борча влага ом ўлгой,  
Ким таом устига таом ўлгой.

Зевар кишига не тожу, не афсар бил,  
Ул зевар адаб била ҳаё дархўри бил.

Зулм анинг кўнглига маргуб ва фисқ анинг  
хотирига мғҳбуб,  
Мулк бузуглугидин замврига жамият ва улус  
парияшонлигидин хотирига амвият (подшоҳлар  
ҳақида).

**Зинҳорки зулм риштасян уз,  
Иисоф ила ади қасривн туз.**

**Зулмунг вруп кундузу фиксинг кеча,  
Зулм ила фиксинг неча бўлгой неча.**

# И

Итдин кийинкка ва мушукдин кабутарга шафқат  
маҳолдур,

Иткн тааллумда чу бўлди камол,  
Сайд онинг олзидан ўлди ҳалол.

Икки қадам ёнгуча етгач алам,  
Саъй қилу, илгари кўйгил қадам.

Икки қаро пул, чекибон даст ранж,  
Яхшироқ андинки, шаҳ ниъони ганж.

Иисон ани билки, ком ӊрур анга салоҳ,  
Тна хифзида бил зумран иисонга салоҳ.

Илам Навоий, сенга мақсуд бил,  
Эиднки илам ўлди амал айлагил.

Ишнким зарар нафлин бўлса кўп,  
Эмас қилмоги ақл олинда хуб.

Илам ўқиб қилмаган амал мақбул,  
Дона сочиб кўтармади маҳсул.

Иш эрур улким ўзи они қилур.  
Ҳикмат улким, ҳам ўзи оня билур.

Ишдин анга ҳосил ўлмас фароғ,  
Емай кўп уаун кеча дудн чароғ.

Иш кунп қўйганда адув сорп юз,  
Тўра билла бурпа ясолнигни туз.

Ишқ ахтаридур дурахшанда, баатарият кўзи  
лури ва сифоси анди.

Ишга неча сазблиг имкол эрур  
Ким ани осон тутар осон эрур.

Иззат бермас нақлу дирам борлиги,  
Ким бўлди тамаъдин кишининг хорлиги.

Иззати ҳаддин кам ва хўб эмас,  
Ҳаддининг ортуқ даги маргуб эмас.

Иззат топмас кимки қавоатсиз эрур,  
Ҳар кимса ҳасуд бўлса роҳатсиз эрур.

# Й

Йиғитликда йяғ ялмниңг махзавинь,  
Қарлик чоғи харж қилгил ави.

Йиллар тутубон шайх мақолотиға гўш,  
Не кўпгилма завқ етти, не жонима жўш.

Йялония киши тутса сар кўфта,  
Балодин қилур ўз йўлини рўфта.

Йялон жайбаро солмоқ, этма ҳавас,  
Ким охир йялондур, бу тасбиҳ эмас.

Юз жафо қилса менга бир қатла фарёд  
айланап,  
Элга қилса бир жафо юз қатла фарёд  
айларам.

Йўқ эрса мизождин мувосо,  
Жон берса, не суд элга Исо?

Йўқ ҳунари, ёлғиз эса ўз киши,  
Қайда киши сонда ёлғиз киши.



Оламдан гамсиз ўтай десанг, ялму ҳунар  
ўрган.

Катакда қолиб бўрдагон мокиён,  
Не маълум учмоқда суду .зиён.

Карам бир жафокашни шиддати юкин  
Кўтармакдур ва ани ул суубатдин қутқармак.

Карамсизки, бор уйда махзап анга,  
Фалокат била фоқадур фап анга.

Кеча ичмак маю, кундуз демак ичманг онн,  
Ҳикмат ичра бу врур яхши сифат, ғ воиз.

Кеча яшнар қурт эабона ишнн қилмас.  
Ва капалак парвона ишнн.

Керак бўлса, сўз ўйлаким дурри пок,  
Садафдек ҳақир ўлса қойил не бок.

Ки бергучи, агар ўлсун гадову олгучи шоҳ  
Берур ялик юқори-ю, олур ялик қуйндур.

Ки деҳқон некин, дона, мааруъ отар,  
Ани ўқ урар, чунки вақти етар.

Ким эгри эса тузлик эмас, пояси ҳам,  
Бор ўзидек, эгри суду сармоеси ҳам.

Ки ҳар ким аён этса яхши қилиқ,  
Этар яхшлиқдин анга яхшилвқ.

Ки ҳар ранжидин сўнг бўлур роҳатв,  
Таабсиз муяссар эмас пшратв.

Килки улус ўртамакига ўтув,  
Ўтқариб ул ўти фалакдин тутун.

Ким бўлса ҳунарсиз, иши ўк ранжи эрур,  
Бу важҳ ила кимга ҳушари ганжи эрур.

Ким бўлса табнати муолиж,  
Жисидин этар маразин хориж

Ким бўридинг этса қовла они  
Ул ер ити бирла овла они.

Ким ястаса салтанат. саходур, анга шарт,  
Ҳам ваъдага айласа, вафодур анга шарт.

Кимки, маҳлуқ ҳимматиға камар  
Чуст этар, яхшироқ ушалса бели,

Қўл қовуштургула бу авлодур.  
Ким анинг чиқса оли, сияса бели,

Чу хушомад дсмакни бошласа кош,  
Ким тутулса дами, кесилса тили.

Кимгаки, инсоф йўқ инсон эмас,  
Мунсиз атворида жуз нуқсон эмас.

Кимгаки, эрлик асарн ёрдур,  
Бир демас, ар қилгани минг бордур.

Ким киявар ўлса, иста андин қочмоқ,  
Нечунки зарур дурур ёмондин қочмоқ.

Кимки, қилур чинлиқ алардин ҳавас,  
Қошлари устида топор чину, бас.

Кимки, чини эл аро ёлгон дурур,  
Ёлгонн чинликка не имкон дурур?

Кимки, ўзи айлади ёлгон сўзин,  
Кизб дер эл, чин деса, қолгон сўзин.

Кимки, қаноатдин эрур ҳужжати,  
Яхши-ёмонга йўқ анинг ҳожати.

Кимники, айлай дер эсанг маҳраминг,  
Кўп синамай айламагин ҳамдаминг.

Кимники, билей десаг, мақолин англа,  
Аслин десаг англайин, фиолин англа.

Киссангда агар лирам йўқ,  
Кўнгида кисабурдин гам йўқ.

Кимьяки, инсон десанг, инсон эмас,  
Шаклда ҳам феълда яксон эмас.

Ким қуёш пурини инҳон қилди,  
Бадрини мис табақ гумон қилди.

Ким қилди қатлиғлиқда вафодош севга,  
Ул бўлди ҳабиблар ичра қўлдош севга.

Ким ўлса ҳиямат илгини кушоди,  
Не топсинким топилагандир муроди.

Кнши айбинг деса, дам урмоғияким ул эрур  
кўзгу.

Чу кўягу тира бўлди ўзга айбинг зоҳир  
айларму?

Кнши бўлса ҳам, филмасал тавъамон,  
Бўла олур ул ихши-ю, бул ёмон.

Кнши хавзал өкса, ачиг бар топар,  
Ва гар най шакар өкса, шакар топар.

Кнши молдин неким баҳра олди аниғдир,  
Ҳар не ким, асради ўзганниг.

Кнши муҳр аро ҳарна қилса ниғор,  
Варақда ҳамул нақш ўлур ошкор.

Кнши таълимдин топса малолат,  
Топар илм аҳли олинда жиҳолат.

Киши ўз мадҳи деса, чин доғи бўлса  
нописанддур.

Кўп олгин, кумуш сори қўл солмоғил,  
Ки тутсанг кафиягни қаро занг этар.

Кўрмак аввал демакда осонлик —  
Ки эрур сўнгни бас пушоймонлик.

Кўп демак бирла бўлмағил подон,  
Кўп емак бирла бўлмағил ҳайвон.

Кўп деган кўд еягилур

Тилга ихтиёрсиз, элга вэтиборсиз.

Кўрмагасен йўл аро ранжу надам,  
Ҳар қадами ўрнига қўйсанг қадам.

Кўнғил аилл эса, фориг эмас хавотврдин,  
Жароҳат узра йнғилмоқ дурур чибинга ҳанае.

Кўнғида тла сиғони жароҳати бутмас,  
Алга ҳеч пимаи марҳам ерин тутмас.

Ким ҳуйи ёмон бўлса, машаққатдир анга,  
Ким ҳуйи анинг яхши, ганниматдур анга.

Кўнғли кими хушлиғидив хуш керак,  
Нохуш агар бўлса мушавваш керак.

Кўйигилини олса малоҳат била тафовут йўқ,  
Хитон ўлсуну ё армани ва ё ҳинду

Кўйигилини арит борча ёмон иллатдан,  
Ким яхши қилиқ далил эрур роҳатдан.

Кимсага ёлғончи дебон қолса от.  
Бу от ила, гар дессалар ўзу ёт.

Сидқ хитоби яна ёнимас анга,  
Чин деса ҳам халқ инонмас анга.

Кимсага ҳар шевада қаллоблик,  
Андни эрур яхшики каззоблик.

Кимсани бот айламагни аржуманд,  
Ҳам яна оз иш била қилма нажанд.

Ким юримак ил уза ком айлади,  
Ада чу туз бўлди, хиром айлади.

Кулгуки, ўз ҳадидни ўлди йироқ,  
Йиғламоқ андин кўп эрур яхшироқ.

Кимса неча зебу тамаъдин йироқ,  
Зимнида осойиш эрур яхшироқ.

Кимки, улугроқ — анга хизмат керак,  
Улки кичикроқ — анга шафқат керак.

# Л

Лола-ю гулким совирур девбод,  
Қўйса бўлурму авниг отин жавод?

Лек мундин кўп совуқдир, ашк тўкмак зўр ила,  
Дай елида қатра-қатра муз томизгон ел каби.

Лутфу карам, гарчи эрур дилпазир.  
Қаҳру сиёсат ҳам эрур ногузир.

# М

Моддаким бермаса марҳам кушод,  
Ништар ўқ айлар анга дафъи фасод.

Модасиз ул тухмки, деҳқон сочар,  
Сувни тенг ичмас неча яксон сочар.

Моллиқ водонни демагя —  
Олтунлуг чибиннинг смаги.

Маъдани инсон гуҳари сўздурур,  
Гулшани одам самари сўздурур.

Масканинг истар Навоий нася жаннат аҳли  
зуд.

Мазлумки, бахшойиш кўргизгайсан ва зодвидин  
осойиш кўргайсан.

Мевага мага ўлса бўлур пўст ҳам,  
Кимсага ҳам душман эрур дўст ҳам.

Меъда ўзи хўрдидаги ошни,  
Ҳазм қилур йўқки ушоқ тошни.

Меҳнат аро ҳар кимки, тахаммул йӯқ анга,  
Тарвижга мутлақо тахайюл йӯқ анга.

Меҳрки, равшанлик етар фош ани,  
Кимга гунаҳ кӯрмаса хуффош ани.

Мен тилаб ҳусн вале шаҳ тилаб жоҳу насаб,  
Менга лули била ҳинду анга қўнроту қиёт.

Қила олгонча ул бўлсун пиоринг,  
Ки яхши от қолгай ёдгоринг.

Менга пшқ дарди ямас муҳлик бас,  
Замон дарди, аҳли замон дарди ҳамдур.

Меҳнат ародур кушод топмоқ билгил,  
Раиш ячрадурур мурод топмоқ билгил.

Моя улдурки эл андин олса баҳр.

Мил уза чиқмоқ анганим воядур,  
Чиқмоқу тушмаклик анга поядур.

Мӯр терар ҳар неки сочгай киши,  
Бўлди тирик гўрга кирмак иши.

Муфид апёга дойим иштиғол эт;  
Вале бор ишда майли эътидол эт.

Муҳят япра чўнмай нучукким наханг,  
Киши урса бўлгайму гавҳарга чанг?

Мулоҳим тақаллум нақшларни улфат сарни  
бошқарур.

Мушкни ҳар кеча сочар бедаранг,  
Туи сочиға бермоқ улпув бўю-ранг.

Мувофиқ шева волим дўстлардин муҳолиф  
табъ душманлар кўп ортуқ.

Музҳик оғур маст чу айлар хуруш,  
Сўзни тааммул била дер аҳли ҳуш.

# Н

Нодон пандида галат муқаррардир,  
Ва дushman насиҳатида фириб мутасаввиар.

Нодонлик эрур элда маломатга далил,  
Дони улус олдда хижолатга далил.

Ногихя солиқки, эрур бегараз,  
Бил анга оламда топиламас иваз.

Нафънинг агар халққа бешак дурур,  
Билки бу нафъ ўзунга кўпрак дурор.

Нафъ стурмакка шпор айладинг,  
Ўзунга ул нафъни ёр айладинг.

Нафқа билла нафсин тутма дариг,  
Жонингга ифрат ила ҳам урма тиг.

Нафс амрда ҳар неча ким, толлинга сен,  
Кўп гарчи бутунлик тиласанг синган сен.

Нафаским, ул айни мудом истагай,  
Сенга гунаҳ ўзига ком истагай.

Нақдин гулдек доғи соғурмоғил,  
Ғунча киби доғи грех урмоғил.

Нахлга дехқон чу берур парвариш,  
Бўлур анга меве-ю гул бермоқ иш.

Носихи солиқки, эрур бегараз,  
Ўт ичпа бўлубитур жудо гашлиги

Нафс ўйлаки касб этти гило бирла сабот  
Рух айлади жонфило гино бирла сабот.

Не андоза гам, не ҳадсиз сурур,  
Керак ишда ойивя хайрул умур.

Не бўлгусидир аҳли тажоҳил қадри,  
Е зумрани аълод такссил қадри.

Нечаким, хирад ичра бўлса камия,  
Йилондин ёмонроқ ямас одами,

Неча маразгаки, эрур суд қанд,  
Нечага ҳам захр эрур судманд.

Неча зарурат аро қолган чоғи,  
Чин демас эрсанг, дема ёлғоя доғи.

Недянким сафарга киши урса том,  
Таралдуд эрур мужибн аҳтизом.

Неким қилди жоҳилки, врдн ёмон,  
Тутиб аксини топдим андин амон.

Неча бўлса ёлғоччи ол аржуманд,  
Сўзи анжуман ичрадир нописанд.

Неча тифл қилса пулаб хиралик,  
Қачон шамън анжум топор тиралик?

Неча ганж ичра бўлса, гавҳару дур.  
Кўрки бордур анинг калиди темур.

Қуфл очарда гадоу соҳибн теж,  
Теинг бўлурлар калидга муҳтож.

Неча самар сочмоқ вса шоҳ иши,  
Кўпроқ отар тош анга терган киши.

Не зулм қилурга элни қотқил,  
Не зулм қўлни ўзунг узотқил.

Неким элнинг салоҳидур ани қла,  
Менинг будур салоҳим эмди сен бил.

Нечаки ҳақ лутфидин ўлди зафар,  
Саъйни ҳам бил сабаби муътабар.

Не феълки келди бирондин ёмон,  
Емонлиқ кўрардин анга йўқ омон.

Не ишким шаҳ топиб андин навойи,  
Вале юз қатла ор этгай гадойи.

Неким бўлса музир — бўлғил хиросон,  
Ки бўлғай табъингга мушкуллар осон.

Не қушким, баланд ўлса парвоз аяга,  
Ҳалок истамас новак андоз анга.

Не қушким, бўлса ҳимматдин қаноти,  
Эмас паст ошъёнга илтифоти.

Не сирфа деган киши тил қотилдур,  
Алқиссаки, кимсанинг балоси тилдур.

Не шахдни ки атбоя хушнуд эмас,  
Пушаймонлиги ки чоғи суд эмас.

Не шунқорғаким, тез парвоз эрур,  
Мурассаъ тумога ҳануз оз эрур.

Нукта дурин бил қулоқ оройиши,  
Кенг этук ўлди оёқ осойиши.

## О

Одам ўлгон, зеби-зоҳирдди демас,  
Кимки анди фахр отар, одам эмас.

Одамки, демак бирла киромидур бас,  
Сўз дурри-ишининг итизомидур бас.

Одами эрсанг, демагил одамий,  
Оники, йўқ халқ гамидин гами.

Оғзингга келган такаллум ришгасин чекма узун,  
Ким бу ишдин сарнигуялиқ юзданиб, нуқсон  
келур.

Ойини таҳаммулда таноолик эрур,  
Юк чекмоқ ила кишига зеболиқ эрур.

Олам валига ҳаёт эрур тузликдин.  
Этмоқ гаразига бот эрур тузликдин.

Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиг,  
Ёр ўлинг бир-бирингизгаки эрур ёрлик ин.

Олаида дўстлик киши душмансиз бўлмайди,  
Ва аҳбоблик олаи адурсиз бўлмайди.

Олмоқ эрур қасд анга, бермоқ гараз,  
Бул ҳам ул иккидек эрур бир мараз.

Ойни ёруг чархни демак баланд,  
Таби баланд элга эмас дилписанд.

Олим ул итки, нажасулаълайи эрур,  
Углингга жаҳл ўлса, ажаб шайи эрур.

Оми табибким, эрур шогирди жаллод,  
Ул тиг била ва бу заҳр била ҳалок қилгучи  
беод.

От анга тортарки, юз илҳиси бор,  
Сим анга берурки, юз нағиси бор.

Оэ иш учун тунду итоб айлама,  
Қатлаи снёсатда шитоб айлама.

## П

Пок гавҳарки, пок бўлди шнор,  
Шоҳлар боши устида ери бор.

Поядин ортуқ киши урса қадам,  
Бийим йиқилмоқдиру, ранжу, алам.

Паё-лай чучук сўз чу пайгом ўлур,  
Анингдек ҳашам жонвор ром ўлур.

Парвонани ишқ; втмаса маст,  
Ургайму ўзини ўтқа пайваст?

Пашшаки, ол бўйнига бўлди мухил,  
Бўлди тапонча била ўқ музмаҳил.

Пашизи агар тугди врсаланим,  
Мудом очмоғидини топор кўнгли бим.

## **Р**

**Розия асра чунки фош этдинг,  
Яна пинҳов бўлури қилма ҳавас.**

**Ройи эсанг, тут бу нафас яхши шос,  
Ҳар қўйини ўз оёғидин ос.**

**Ранятга қилса қаламзан ситам,  
Қаламзаннинг илгини қилсун қалам.**

## С

Сочмоқ онуч бирла гуҳар от учун,  
Нақд этак бирла мубоҳот учун.  
Ақл ҳисобидан эрур бас йироқ,  
Буҳа бу жудингдин эрур яхшироқ.

Сола олмас эл ошига бир нахуд гар,  
Туз ўлмас унинг бирла эл ороси.

Соҳиё май берки, бу дайри куҳан авзонда,  
Бўлди ўз нодонлигимни англамоқ донолигим.

Совуқда қочибон ўт шуъласидин,  
Тезак дуди сори қилмакдур оҳанг.  
Киши зухд ичра майдин тавба айлаб,  
Нишот ойини жаёл истаб емак банг.

Саодатманд ул йингитдурким, шаҳватга майл  
қилмас ва бесаодат қарининг илгидин худ ҳеч  
иш келмас,

Сабр билла кўп боғлиғ иш очилур,  
Ишда ошиққан кўп тойилур.

Сафиқ золим ила бўлма хон ува ҳамдаст,  
Муносиб ўлагани ит чунки ҳанговоқлиққа.

Саъйи ишиким ўз ўрнида бўлмагай,  
Қилур ишда қоҳилликдин ёмонроқ.

Сарним, ул тўғри чекиб қоматин.  
Кўрмайин осиб замон офатин.

Сенга бор эса сўз билурдин назоқ,  
Уаним сари боқма, сўзум сари боқ.

Салтапатдин бода ортуқдир менга юз қатла ким,  
Хушроқ эл бедодидин ўзумга бедод айласам.

Сийм унидин ваҳш сибобъ этса рам,  
Мунга саҳо от қўяли, ё карам?

Синса қаламининг шакидин бир учи,  
Ожиз ўлур нома рақам қилгучи.

Сўралдиким, не нима дурким фойдаси барча  
халойиққа етар, дедиларким ёмонларнинг  
йўқлиги.

Сўзни кўнгилда пишқармагунча тилга келтурма,  
Ва ҳар неким, кўнгилда бор — тилга сурма.

Сўзки маънисда ишқ ўти бўлмагай,  
Бир таҳарруқсиз бадан англаки, жони бўлмагай.

Сўзчи ҳолини боқма, боқ сўз ҳолини,  
Кўрма ким дер онки, кўргил ким не дер.

Сўздин кишига гаму, бало ҳосилдур,  
Ҳар нукта тили деса бало дохилдур.

Сўзингни доғи кўнгил ичра асрагил ким хайф,  
Кям ўйла дуржини гаваҳардин этгасен холий.

Сўзки васфида ҳар наमत бўлган,  
Рост бўлса доғи галат бўлган.

Сипаҳ хотирин лутф ила шод қил,  
Раятин адл айлаб, обод қил.

Сипоҳи ҳачон шаҳга толиб дурур.  
Адувсига шак йўқки, гелиб дурур.

Сувда ҳубоб ўлса ламингдин жароб,  
Мумкин эруриу ясамоглиқ ҳубоб.

Ситамдин бас илкини чекмак авло  
Вафоу меҳр тухмин экмак авло.

Сўз қаттиги эл кўнглини озор айлар,  
Юмшоғи кўнгуллари гирифтор айлар.

# Т

Толганини сочди, эл узра саҳоб,  
Ким ҳақ ави айлади гардуп жаноб.

То режа чекмас ерига богбон,  
Бог ҳамои зебда чангал ҳамои.

Толпинса чиқар гарик юмкин,  
Толпинмаса ўлмаги не мумкин.

Топтиги чу нёл яхшилик еткурғил,  
Ургат адабу, яхши қилиқ ўргатғил.

Топса киши бодия ичра зулол,  
Олтув оёқ қайдау, сянғон сафол.

Топсанг неча шаҳлар узра шаҳлик,  
Фақр аҳлига айла хок раҳлик.

Таомики, уа мужиби ком врур,  
Кя ўт ранжини тортмас хом врур.

Тааммул била ном гайдо бўлур,  
Таҳаммул била гўра ҳалво бўлур.

Табиатга ҳар неки одат бўлур,  
Чу эскирди одат табиат бўлур.

Тадриж ила тифл ўлур храдманл,  
Сокиналк ила қамип бўлур қанд.

Тоқ киши айши ўйни бил илгун  
Уйга қачон ҳомил ўлур бир сўтун.

Такаллум била кимса нисон эрур,  
Сўзи йўқ баҳойимга не сон эрур.

Талаб йўлида қил шитобандалик.  
Ки жўяндага келди ёбандалик.

Ташналаб бўлма баҳр ёнида,  
Қилма певан тараб маконида.

Ташнага бер файз, в абри карам ким, йўқ саяга,  
Гар сунг юз қатла дарёдин олиб, дарёга сол.

Тавозеъ яхши, аммо яхшироқдур,  
Агар дабъ этса ори аҳли давлат.

Таҳайюл аро борча бир навъ эмас,  
Ҳадисин ики кимса бир навъ демас.

Телба ўзин ўтга солса ногоҳ,  
Куймак ишидин қачондур огоҳ.

Тилниг билан кўнглинигги бир тут.

Тифл йилон нақшига мойил дурур,  
Заҳрини билмаски, ҳалоҳил дурур.

Тифл хижо билмай ўқур чун савод,  
Кил ўқуриш зерур-забар аътиқсд.

Тиланчи эа гадо, кўпроги бегайрат ва беҳаё.  
кундуз кезмаклари ибрат билла элдин олмоқ  
учун ва кеча келиб, ўғриларга эл жиҳазига  
кўз содмоқ учун...

Тил надамидин бўлур гарсмаг ҳосил,  
Кўз навъ маломату, надемат ҳосил.

Тил бори ул дебки демак хўб эмас  
Кўз кўрубон опики матауб эмас.

Тилга ихтиёрсиз, элга аътиборсия.

Тилч кўнига бирла қатиқсиз умоч,  
Беҳки биров миннати бирла кулоч.

Тулки ва ит кулги эшигин очар,  
Шер кўрингач улус андин қочар.

Тун-кунинга айлагалп нур фоиш,  
Бирсия ой англа, бирсия қуёш.

Турфа замон адлига биз мубтало,  
Ким йўқ алар олдида чиндск бало.

Тушса қадаҳ аро бўлуи мўр,  
Тадбир керак чиқарга йўқ зўр.

Тутайким буюк тоққа чиқсин палаи,  
Тўлуи ойга сакроб етургайму чияг?

Тутқил аиниғ ҳурмати ичра зарур,  
Қондан нуқтаний хайрул умур.

Тухми тамаъки ҳорлиқ ўлмиш униг бари,  
Сен бўйла хор тухмии экиб, қилма гул тамаъ.

Тухми расвойи диҳад бар, донаиъ тасбиҳи  
зарқ,  
Ори-ори дона жинси хешро бор овараст.

Тузлик ғрмас шифоси-ю вояси ҳам,  
Ким ғри кишинниг ғридуи сояси ҳам.

## У

Улча әрур тифага шойнста иш  
Билки кичикликда әрур парварит.

Улки буюриб, ўзи қилмагай  
Ва ҳеч кимга фойда ва асор аниғ сўзи  
қилмагай.

Уч кипидан уч иш ёмон кўринур,  
Сенга арз айлайин аҳли дунёдип.  
Шаҳдин тукданқ, ганидиян буха,  
Молга майлу, ҳирс донодин.

Улки санга элдин әрур айбгў,  
Элга доғи сендин әрур айбжў.

Улус аҳволядин сеп бўл баруманд.  
Иўқ улқям, олгай афъолядин эл пайд.

Улки хаёли борн фосид дурур.  
Борча салоҳ аҳлига хоид дурур.

Улки хато сўзга оғини әрур,  
Зуъмида улқим, бу хато чин әрур.

Улки ушатур босибон шипани,  
Қилмас оёқ заҳмидян андишани.

Улки варар шенасиня тапр өтар,  
Элга демаким, ўзияга жаяр өтар.

Улус бўлса маъмур бир ганж арур,  
Ки андин жаҳон фатҳи осон бўлур.

Умрин аблаҳ кечириб гафлат ила,  
Нукта ўрнигаки, тортар харрос.

Бир эшакдурки, тагофил юзиди,  
Қилгай изҳор паё-пай аррос.

Унутдингму ки, атфол ўйнаганда,  
Синар оя майл кўргавдин қуруқ шох.

Ушоқ қанд оқ тузга монанд арур,  
Ва лекян бпри туз, бирч қанд арур

## Ф

Фаҳм айла ҳолини сўз демагидни,  
Ким берди хабар ҳадиси кўнглидагидни.

Фард киши даврда топмас наво,  
Ёлғиз овучдани ким ёшитмиш садо?

Фатвода чу бўлди музд лоу наам,  
Қинамоқ керак ул қаламзан илгини қалам.

Фарзанд атога қуллуғини одат қилди,  
Ул одат ила касби саодат қилди.  
Ҳар кимки атога кўп риоят қилди.  
Ўғлидини анга бу иш сироят қилди.

# Х

Хом тамаъ дахрда ранжурдур.

Хон анга сйгилки, эрур муштади,  
Тўқ емас, ар эса бўлур мумтали.

Хошақоҳ аҳли йўлиқса мастликдин тонимон,  
Шукурким бўлди аларга ошноликдин жуло.

Хотирни жамъ истасанг, аввал хавотир дафъин  
вт,  
Кимда хавотир бўлмаса, осуда хотир бўлгуси.

Хайр муяссар гар эмас эл била,  
Наф етурмоқ ҳам эрур тил била.

Халойиққа кўрма, қилиб бенаво,  
Узингга раво кўрмаганчи рано.

Халиқ ўлган сахидин элга етгай ккки  
бахшойиш,  
Ҳам эҳсонидин оройиш, ҳам ахлоқидин  
осойиш.

Хас агар ўт била ситез айлар,  
Ҳам ўзидин ул ўтни тез айлар.

Хирадманд чин сўздин ўзга демас,  
Вале, борча чин ҳам дегулик эмас.

Хўбким йўқтур шамойна бирла ширин сўв анга,  
Сайд бўлмас эл неча ким бўлса зебо сурати.

Худпараст — бадпараст.

Худписанд — нохирадманд.

Хушо улки оламда гар чекти ранж,  
Яна олам асбобиға топти ганж.

Хуш улким агар чекса минг хори дард,  
Сўнги тушса нагяға бир тоза вард.

Хуш улким кўнгидага кушод истабон,  
Қўниб азм қилгай мурод истабон.

Хирад деҳқони мундоғ нуқтаи дер  
Ки допа сочғоли яхши керак ер.

Хўб эл била суҳбат тутубон ҳўб ўлғил.  
Яхшини талаб қилгилу матлуб ўлғил.  
Ширин сўз ила, халқ ила маргуб ўлғил  
Юмшоқ де ҳадисингил-ю маҳбуб ўлғил.

## Ҷ

Ҷу душман ўлди қадими эиенидди ҳазар ғт,  
Агарчи нутқи равон бахши жонга роҳат ғрур.

Ҷунки сушурги йнгар инак далил,  
Ўтмоқ ғшик кенида хору залил.

Ҷу разл ҳавсаласидир не тонг агар ногаҳ,  
Ўтушса макнат анга аржуманд тутгай ўзин.

Ҷун синса кўнгил захм забон оғриғиди,  
Кам ғрмас аниғ оғриғи жон оғриғиди.

Ҷун харж қилур чоғда кўрар бийим бахил  
Тош ҳукмида дур жам ғтар сийм бахил

Ҷу ғлга берур парварииш рўзгор,  
Керак ундоғ ўқ бўлса омуз кор.

Ҷув Навоий кўнгли синди ғнди лутфини не  
осиг,  
Ким ушвлса шишани бутмас, яна пайванд ила.

Чун табъя мулойим бўлур ўргаягани мобил,  
Оз вақтда кўл навъ килур касб фазойил.

Чекса дутман сенинг салоҳингга тил  
Маҳан ифсод бўлгусилур бил.

## Ш

Шоҳ ани билким боши қалпоқда,  
База атар офоқ берур чоқда.

Шоҳ бир шуълай фурузондир,  
Ҳар кишига етишса сўзондир.

Шоҳки кип адл ила бунёд атар,  
Адля бузук мулкни обод атар.

Шоми ажал уйда ётмас киши,  
Умр кунни гўрга ботмас киши.

Шайнда қопланди агарчи фузун,  
Нафс итининг ояда лекин вабун.

Шоҳ ёни фарзин каби кажлар мақом этмили  
не томи  
Роштрўлар арсадин гар тутсалар рухдек қироқ.

Шамъ ёрутур уй ичу тошини,  
Уй ағаси кўпроқ узар бошини.

**Шаҳ тилар бўлса шоҳлик қилмоқ,  
Синпоҳидни керакмас айрилмоқ.**

**Шажар ким юз латофат шеваси йўқ,  
Утун ўрнида дур гар меваси йўқ.**

## Э

Э басо нуқсонки, дарзимнаш бувад якинавъ суд,  
Чун дафъи лўли, дарид, аз баҳри маймун  
чаибараст.

Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,  
Лек шараф келди ҳаёу адаб.

Э Навоӣ, сендек этган зойсъ айёми шубоб,  
Суди йўқ анжум каби ашку надомат шом шайб.

Эл молиғи ўзушга мол билгани  
Хайлиғи ўзунга аёл билгил.

Эранлар хизматига кимки умриғи сарф этар,  
Агарчи умри кетар, аммо жовид умрига стар.

Элга зиён аниғи суди,  
Ва ўнгой олиб, огир сотмоғи аниғи мақсуди.

Эрур кушга хушроқ, чу боқсанг аён,  
Мурассаъ қафасдиғи тикан ошён.

Эрур нахилдек шамъ муз шўшаси  
Мунииг ўт, аниг сувдурур хўшаси.

Эшик ит еридуру, гар олсун бўри,  
Мушикга мақом ўлди уйнинг тўри.  
Гар ул дашт сайдини айлар фиғар  
Ва лекин бу уй, сайдин айлар шпгар.

Эр кяшвга вебу зийнат — ҳикмат  
на дояшдур.

Эшак олида заъфарон хуб эмас,  
Ки нодонга зарбофт маргуб эмас.

Экса ганг тухм, қилиб элга зўр,  
Тухмини торож қилур хайли мўр.

Эйки, дерсан ишқ аро ўлмак зяёндур умр суд,  
Ҳарна судидур сенга, некпм зяёндур менга.

Эл ичра, э хасуд, сени қилди ҳақ залил  
Ким ноҳақ элга видсану ҳақ молига бахил

Эл қочса бировдин эл ёмони бил ая,  
Аҳволида идбор нишонил бил ая.

Эл гуссасин сингдурмакинг мақсуд эт,  
Бу шева била оқибатинг маҳмуд эт.

Эрур сен шоҳ агар етоҳ сен сен  
Агар огоҳ сен, сен шоҳ сен сен.

# Ю

Юз йилки киши умир тилар, бил —  
Ким сабр керакдур юз йил.

Юз гавж кишига ақлдин ҳосилдур,  
Йўқтур анга фақру фоқа, ким оқилдур.

# Я

Яхшироқ Жамшид бўлмоқдин гадолик дайр аро,  
Узга қилмоқ яхшироқким, ўзгага қилмоқ сятан.

Яхши хотинлар сафойи зухдидин,  
Олам ичра гар ёруглик бўлса фош.  
Иўқ ажаб чумкин, араб алфознда,  
Истилоҳ ичра муаннасдур қуёш.

Ягоч узра гар бўлса юз минг янгоқ.  
Кўмар ерга ҳар не ўгурлоди зог.

Яхши ва афв сяёсат чоғи,  
Лек керак ишда фаросат доғи.

## Ў

Ўйла булутдек ки, қуруқ бог уза,  
Егмой ўтар, сувни тўкар тоғ уза.

Ўларман то етарман мақсадимни ёнмоқ имкон  
ёўқ.  
Бадак заъфи билла йўл шиддатиди, гарчи  
толгайман,

Ўликниг биров нутқи втса тирик,  
Агар ҳақдур ул нукта, бордур прик.

Ўқларини кўнглимга тушгач, куйди ҳам кўза,  
ҳам бадан,  
Ким куяр ҳўлу қурут, чун пайсатонга тушди  
ўт.

Ўт сакраса тифл эмас хабардор.  
Ким ҳирқатида не павъ асар бор?

Ўз срида юв туман, ар бир дирам,  
Базл вшида тенг кўрар аҳли карам.

Ўзлннга аблаҳу подонни айлама ҳамроз,  
Ки, яхши ёрмас ёшак доғи ҳамсабоқлиққа.

Ўз камолдин демас, аҳли камол,  
Аҳли нуқсон ичрадур бу қилу қол.

Ўзини элга дарё қатра осо,  
Вале влдин ўлига қатра дарё.

Ўтган йигитлик орзу била қайтмас.  
Ўгря бош етгач қуйи, бордур далили эътироф.

## Қ

Қачон сочса тупроққа бугдой бирон  
Йўқ имконки ул, арпа қилгой гаров.

Қатрага чун тарбият этди садаф,  
Эл бошига чиққуча топти шараф.

Қардошинг эмас, улки, қўйиб бош сенга,  
Давлат чоғи қилгай ўзини қўлдош селга.

Қасд ила ёлгон демади ростгўй,  
Чини демади саъй ила каззоб хўй.

Қаттиқ кўнглингдин оқди халқ ёши,  
Ки ёнгуз боисидур жола тоши.

Қайси жоҳилга надомат бўлгай ул олимча ким,  
Ҳарне қилди билмади, ҳарнаки билди қилмади.

Қилди булут ашки билла дур нясор,  
Бўлди чоқин кулгисидин хоксор.

Қил яхшилагу, демакин дохил қилма  
Миннат билла яхшиликни ботил қилма.

Қялмади мияг душмани кия хоқ ўқи,  
Ул яраким айлади бир оқ ўқи.

Қуяр ассор ўйи чун өгри гомин  
Йўл этмас қатъ туз айлаб хиромин.

Қўйни шабон асрамаса ою-йна  
Оч бўрилар туъмасидур бори бил.

Қўзгама булбулни кўб, в гулки даврон  
боғда.

Қолмаиш қўзгалмай улким бировни  
қўзгаиш.

Қўлоқда асра гаромоя сўзин-ю фикр эт  
Ки дурсиз ўлса не бўлгусидур садаф ҳоли.

Қорнинг била дўст бўлмасанг аҳсандур,  
Нечунки өр ўглига қорни душмандур.

Қуёшлиқ истасанг, касби камол эт,  
Канол ар касб этарсең бемалол эт.

Қурур чун гулистондин айрилади гул,  
Ки бир луқма этдур бадандсиз кўнгүл.

# Ғ

Ғафлат аро хуш кўрибон хуш дема  
Вақиф ўлиб, сўнгра пушаймон ема.

Ғефил ўлма назардин итса адун  
Шамъ ўчирганда ел кўрушурму.

Ғолиб ўлмас чу бим, топди галям.

Ғолиб душмандин ҳар дам гофил қолма  
Ўчиралмас исён ўтин ўз қарамнингга солма.

Ғизо бўлса муфиду табъ голиб  
Бас ат табънинг ҳануз эрқанда ролиб.

# Ҳ

Ҳар амрки бўлса гояти бор,  
Ҳар муҳликанинг ниҳояти бор.

Ҳар жамоатдаки йўқдур пешво  
Бўлгай эрмастур қадам урмоқ раво.

Ҳарза эрур чунки мушаъбид сўзи,  
Ўз тилини кўрки кесар ҳам ўзи.

Ҳар кпши ким бяровга қозгай чоҳ.  
Тушкай ул чоҳ уза ўзи ногоҳ.

Ҳар кпши ким тузлик эрур пешаси,  
Кажрав эса чарх, не аядешаси.

Ҳар важҳ илп нотавонга ҳамсуҳбатлиг.  
Кўп яхшики комронга ҳамсуҳбатлиг.

Ҳар киши ким ростни беҳост дер  
Айтса ёлгон доғи эл рост дер.

Ҳар киши ёлгонни деса лек кам  
Бўлгай эди кош, бу давронда ҳам.

Ҳар киши олам элида хўб эмас,  
Ҳар кишининг ҳар иши марғуб эмас.

Ҳар кишиким ҳинду ўлури ҳазил аро,  
Юзини қилмоқ керак аввал қаро.

Ҳар кишининг ким сўзи ёлғон эса,  
Айлама бовар неча ким чин деса.

Ҳар кимгаки илм қилу қоли бўлмас,  
Илм аҳлига сўз дегга мажоли бўлмас.

Ҳар кимсаки айламас ошуқмоқни хаёл  
Ёфроғни ифак қилур, чечак барғини бол.

Ҳар кимсаки бухл иртиқобидур аниги,  
Гар бўлса гани бухл азобидур аниги.

Ҳар кимгаки даҳр ичида нодонлик эрур,  
Хилм или иш анга мажлисоролиқ эрур.

Ҳар кимки ачиқ бўлди сўзи, аяфоси.  
Бор суҳбатидини халқнинг истигноси.

Ҳар кимки биров билан ёрдур, керак ўзига  
раво тутмаганини ёрига тутмаса.

Ҳар кимки чучук сўз элга илҳор айлар,  
Ҳар нечаки ағёр дурур ёр айлар.

Ҳар кишини дема маҳрам роздур,  
Бу матоъ олам элида оэдур.

Ҳар кимга тамаъ дурур гирифторлиги  
Не суд анга аҳли сахо ёрлиги.

Ҳар кимгаки эгриликка овоза дурур,  
Туз жодда пчра йўлидин озадур.

Ҳар неча маълум сўви топса тул,  
Тули ҳаёт пстасанг ўлма малул.

Ҳар нечаки кимса фақр помоли эса,  
Ғам йўқтур сафо кўнгли оли эса.

Ҳар нақя етар санга лисон огригидия.  
Благялки қотиг дурур бу синон огригидия.

Ҳам сўз ила элга ўлидан нажот,  
Ҳам сўз ила топиб ўлик таң ҳаёт.

Ҳимматсиз киши эр сонда эмас,  
Ва русҳия бадани киши тирик демас.

Ҳикмат аҳли олида совуқ сифат йўқ кимсадин,  
Субҳи козибдек маҳалсиз айлаган кулгу киби.

Ҳили вужуднинг фавокиҳлиг боғидур,  
Одамлиг оламнинг жавоҳирлик тоғи.

Ҳусну жамолсия киши, ширин калом эса,  
Сайд айлар эли нуқта фасоҳат била деса.

Ҳунар аҳля ани дегилки бўлгай  
Ўзини қилса ўз олинда маъюб.

Ҳозик табиби хушгўй таи ранжига шифодур,  
Омию тунду, бад хўй эл жонига балодур.

*На узбекском языке*

Алишер Навои

**А Ф О Р И З М Ы**

Редактор *И. Гафуров*  
Рассом *М. Я. Щировский*  
Расмлар редактори *П. Хапилин*  
Техн. редактор *Л. Парпихўжаев*  
Корректор *Соли Тоҳиров*

Босмахонага берилди 5/V-1967 й. Босишга  
рухсат этилди 13/X 67 й. Формати 70×108<sup>1/64</sup>.  
Босма л. 1,375. Шартли босма л. 1,92. Нашр л.  
1,92. Тиражи 10000. Гафур Ғулом номидаги ба-  
дий адабиёт нашриёти. Тошкент, Навоий кў-  
часи, 30. Шартнома № 10—67.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Маг-  
буот Давлат комитетининг 3-босмахонасида  
м/мел. қоғозга босилди. Тошкент, Навоий  
кўчаси, 30. 1968 йил. Заказ 439. Баҳоси 7-му-  
қовада 32 т. Қоғоз муқовада 14 т.